



НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МУҚОБИЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Барча соҳаларда бўлгани каби фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишда ҳам замонавий усулларни жорий қилиш босқичига қадам қўйилди. Бу борада, аввало, давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш вазифаси илгари сурилмоқда.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичи медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўлган, низоларни ҳал этадиган самарали муқобил институтларга айлантиришни тақозо этмоқда.

Зеро, ҳуқуқий жамиятда низоларни ҳал этишнинг муқобил тизимларини яратиш жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самарали воситаси сифатида баҳоланади. Президентимизнинг 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

— Ҳуқуқни қўллаш амалиёти турли субъектларнинг манфаатлари тўқнаш келганда улар ўртасида баҳс-мунозара, низолар келиб чиқиши табиий ҳол, — дейди Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди раиси, профессионал медиатор, юридик фанлар доктори Фозилжон Отахонов. — Уларни ҳал этишда суд орқали ва муқобил усуллар ёрдамида иш олиб борилади. Бизда низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари сифатида медиация ва ҳакамлик судларининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, бу борада “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги ва “Медиация тўғрисида”ги қонунлар ҳам қабул қилинган.

Шу ўринда медиация тушунчасига алоҳида тўхталмоқчиман. Кўпчиликка нотаниш бўлган бу сўз лотин тилидаги “mediare” сўзидан олинган бўлиб, “воситачилик қилиш, келиштириш мақсадида аралаштириш” деган маъноларни билдиради.

Содда қилиб айтганда, медиация — бу бир-бирини тушуниш ва низоли ҳолатни бартараф этувчи битим тузишга эришиш мақсадида холис шахс — медиатор (воситачи) иштирокида тарафларнинг эркин музокарага кириш йўли билан низоли муқобил ҳал қилиш усулидир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 240 дан ортиқ ҳакамлик суди фаолият юритмоқда. Шундан 15 таси Савдо-саноат палатаси тизимида ташкил қилинган. Шу кунга қадар 40 дан ортиқ профессионал медиатор тайёрланди. Аммо қарорда ҳақи равишда таъкидланганидек, ушбу соҳадаги ислохотларнинг ҳозирги босқичи давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Шунинг учун ҳам мазкур қарорни қабул қилиш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш кўзда тутилган.

— Давлат органларида эксперимент тариқасида ташкил этилиши назарда тутилган Апелляция кенгашларининг фао-

лиятига ҳам низоларни муқобил ҳал қилиш усули сифатида қараш мумкинми?

— Мен бу саволга ҳа, деб жавоб берман. Чунки кенг маънода давлат судларидан ташқари низоларни ҳал қилишнинг ҳар қандай усули унга нисбатан муқобил ҳисобланади. Хорижий давлатларда бу борада ўттиздан ортиқ усулдан фойдаланилади.

Шу ўринда Апелляция кенгашида низоларни ҳал қилиш мамлакатимизда янги тизим эмаслиги ва у Интеллектуал мулк агентлиги соҳасида мавжуд бўлиб, яхши самара бериб келаётганини таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунда Апелляция кенгаши ўз фаолиятини Адлия вазирлигининг ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини, селекция ютуқларини, интеграл микросхемалар топологияларини, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи коллегиял орган сифатида амалга ошириб келяпти.

— Давлат божхона кўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида ташкил қилинади Апелляция кенгашлари фаолиятида Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳам қатнашишлари мумкинми?

— Албатта! Юқорида қайд қилинган давлат органларида ташкил этилаётган Апелляция кенгашларида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ низолар кўпчиликни ташкил қилишини инобатга олсак, палата вакиллари ҳам ушбу кенгашларда иштирок этиши лозим.

Буни қандай амалга ошириш мумкин, деган табиий савол туғилади. Фикримизча, иштирокнинг икки хил шаклини кўриб чиқиш ўринли бўлади. Биринчиси, Апелляция кенгаши аъзолигига номзод кўрсатиш орқали доимий равишда кенгаш йиғилишларида иштирок этиш, иккинчиси, палата аъзоси бўлган тадбиркорлик субъекти вакили сифатида Апелляция кенгашининг муайян йиғилишида қатнашиб, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали.

Ҳозирги кунда палата вакили Адлия вазирлиги ҳузуридаги Апелляция кенгаши аъзоси ҳисобланади ва доимий равишда унинг йиғилишларида иштирок этиб келмоқда.

— Қарорда Медиация маркази ва Низоларни муқобил усулда ҳал этиш марказининг нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ташкил этилиши белгиланган. Бунинг боиси нимада?

— Ушбу марказлар бир қатор асосларга кўра, нодавлат нотижорат ташкилот сифатида фаолият кўрсатади. Биринчидан, амалдаги “Медиация тўғрисида”ги ва “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонунларда медиаторнинг фаолияти тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмаслиги ҳамда ҳакамлик судлари нодавлат органи экани белгиланган.

Иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилот — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Учинчидан, Медиация маркази профессионал медиаторлар, Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази эса нафақат профессионал медиаторлар, балки ҳакамлик судьялари ва халқаро арбитражлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қарорда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида тузилади.

Амалдаги қонунлар бўйича ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражлар юридик шахс мақомига эга бўлмагани сабабли улар нодавлат нотижорат ташкилотларга мустақил бирлаша олмасликлари назарда тутилган ҳолда, ҳозирги пайтда фақат ҳакамлик судьялари ва халқаро арбитраж марказга аъзо бўлишлари мумкин. Аммо қарор нафақат бугунги кун, балки келажакдаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга ҳам замин яратмоқда. Яъни келгусида ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражлар ҳам юридик шахс мақомига эга бўлишлари мумкин. Ушундан уларда ўзаро бирлашиш ҳуқуқи Конституция нормаларига мос равишда пайдо бўлади.

— Ушбу марказларнинг асосий вазифаларига тўхталсангиз?

— Марказларнинг вазифаларини шартли равишда икки йўналишга ажратиш мумкин. Биринчиси, ташкилий вазифалар, яъни медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж фаолиятига низоларни муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таомилгини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш. Ушбу соҳаларда мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш, медиация ва низоларни муқобил ҳал қилишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг оммалашувиغا кўмаклашиш, бу соҳада семинарлар, тренинг ва конференциялар ўтказишдан иборат.

Иккинчиси, низоларни муқобил ҳал қилишнинг махфийлик принципини таъминлашга қаратилган вазифалар бўлиб, унга кўра, медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж ишларини кўриш билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслик принципи асосида иш юритади.

Бундан ташқари, қарор билан марказлар медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж фаолияти юзасидан адлия органларига ҳисоботлар топширишдан озод этилгани юқоридаги вазифага жуда мос эканини қайд этиш жоиз.

Қарорда белгиланган ушбу нормалар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар низоларни муқобил ҳал қилишда махфийлик принципига риоя этишнинг кафолати ҳисобланади. Боиси, қонунга мувофиқ, медиация иштирокчилари мазкур жараёнда ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафи, унинг ҳуқуқий вориси ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақ-

ли эмас. Шу билан бирга, улар медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиниши ҳам мумкин эмас.

Жараёнда махфийлик принципи бузилишига йўл қўйилиши охир-оқибатда, низоларни муқобил ҳал қилиш усулларига бўлган ишончли йўқотишга олиб келишини унутмаслик лозим.

— Марказларнинг қарорда белгиланган ҳуқуқларини шарҳлаб берсангиз.

— Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курслари Юристар малакасини ошириш маркази томонидан кундузги шаклда шартнома асосида бир ойдан кам бўлмаган муддат довомида амалга оширилмоқда. Қарор билан марказларга низоларни муқобил ҳал қилиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш ҳуқуқи берилди. Бунда, айниқса, медиаторларни тайёрлаш 72 соатдан кўп бўлмаган ўқув курслари бўйича амалга оширилиши ва уларни муваффақиятли якунлаган тингловчиларга сертификат берилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тингловчиларга таълим беришни ташкиллаштириш учун шартнома асосида олий таълим муассасаларининг малакали педагоглари, миллий ва хорижий медиаторлар, ҳакамлик судьялари ва арбитражлар ҳамда вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини жалб этиши мумкинлиги белгиланди. Бундай мутахассисларнинг муқобиллик асосида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тайёрланиши улар ўртасида соғлом рақобат ва ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришга ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

— Ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш назарда тутилган. Айтинг-чи, жараёнда қайси қонунларга ўзгаришлар киритиш лозим бўлади ва бу борада аниқ тақлифларингиз борми?

— Савдо-саноат палатаси томонидан “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги ва “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга ўзгариш киритиш бўйича бир қатор тақлифлар тайёрланган. Хусусан, доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари рўйхатида камида етти нафар ҳакамлик судьялари мавжуд бўлган тақдирда адлия органлари томонидан ҳисоб рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги назарда тутилган. Ушбу қўшимча-ёғган 100 дан ортиқ доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судини қонуний тугатиш ёки қайта жонлантириш, шунингдек, тарафларга ҳакамлик судьясини танлаш ҳуқуқини таъминлаш имкониятини кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Яна бир тақлифда “ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза билан ваколатли судга мурожаат қилинганда ҳакамлик муҳокамаси тарафлари давлат божини тўлашдан озод қилинади”, дейилади. Ҳозирги кунда бундай имтиёзга фақат тадбиркорлик субъектлари эга. Барча жисмоний ва юридик шахслар(корхона ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар)га ҳам бундай имтиёзнинг берилиши ҳакамлик судлари орқали низоларни ҳал қилиш имкониятини кенгайтириб, ваколатли судларга мурожаатлар сонини камайтиришга олиб келади.

Умуман олганда, берилган тақлифлар ва қарор асосида амалга оширилиши кўзда тутилган ишларнинг барчаси фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, низоларни судгача кўриб чиқишнинг самарали тизимини яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Уларни амалиётга жорий этиш орқали бу йўналишда қўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Ирода ТОШМАТОВА
суҳбатлашди.

